

Ўзбекистон Республикаси номидан **Ҳ У К М**

2018 йил декабрь ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Андижон туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг судьяси А.Кенжабаев раислигида, судья ёрдамчиси Л.Юнисованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон туман прокурори ёрдамчиси А.Ўктамов, судланувчи Х.Маматалиев ва унинг ҳимоячиси “Андижон” адвокатлар ҳайъати адвокати Ж.Махмудовнинг иштирокида Маматалиев Хожакбар Махаммадқуб ўғлига нисбатан 1-1702-1803/203-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Маматалиев Хожакбар Махаммадқуб ўғли (Mamataliyev Hojakbar Maxammadyoqub o`g`li), 1995 йил 24 февралда Марҳамат туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган, ишсиз, муқаддам судланмаган, Марҳамат тумани, “Кўтарма” МФЙ, Баҳор кўчаси, 123-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2018 йил 3 декабрда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25 ва 223-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Х.Маматалиев 2018 йил 2 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 8-сонли Қарорининг 1-иловаси ҳамда 2000 йил 2 июндаги “Қирғизистон Республикаси ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кейтишлари тўғрисида”ги Битимнинг 15-моддаси талабларини қасддан бузиб, Қирғизистон Республикаси, Ош вилояти, Аравон тумани, Чекобод қишлоғида яшовчи қариндошиникига тўйга бориш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Марҳамат тумани бўйлаб ўтган “ўзбек-қирғиз” давлат чегарасининг “2-Марҳамат” чегара постига қарашли “Широғонбулоқ” кўриқлов ҳудуди бўйлаб қазилган махсус хандак орқали Қирғизистон Республикаси ҳудудига қонунга хилоф равишда ўтаётган вақтда ушбу

худудда деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи фуқаро О.Маматисаковнинг хабарига кўра ДХХ ЧҚга қарашли 9253-ҳарбий қисм “2-Марҳамат” чегара пости ҳарбий хизматчилари томонидан тўхтатиб қилиниши натижасида ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноий ҳаракатини охирига етказа олмасдан, қонунга хилоф равишда чет элга чиқишга суиқасд қилган.

Судланувчи Х.Маматалиев суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, у Қирғизистон Республикаси, Ош вилояти, Аравон тумани, Чекобод қишлоғида яшовчи қариндошиникида бўлаётган тўйга бориш мақсадида 2018 йил 2 сентябрь куни соат 12:00 ларда яшаш хонадонидан йўлга чиқиб, Марҳамат тумани “Широғонбулоқ” чегара худудига етиб келганини, сўнгра бир неча соат давомида чегара олди зонасида чегарани кўриқловчи ҳарбийларнинг ҳаракатини кузатиб, кун кеч бўлишини кутиб турганини, ҳарбий хизматчилар чегаранинг ушбу худудидан узоқлашгач, ушбу худуддаги сой яқинига борганида ушбу сой атрофида кўйларни боқиб юрган, ўзини Отабек деб таништирган шахс уни тўхтатиб қолгани, Отабек ундан бу ерда нима қилиб юрганини сўраганида унга Қирғизистон Республикасида яшовчи қариндошиникига тўйга кетаётганлигини айтганини, Отабек унга ушбу худуддан Қирғизистон Республикаси худудига ўтадиган йўл йўқ эканлигини тушунтирганини, у буни олдиндан билиб, шу ерга келган бўлсада, Қирғизистон Республикаси худудига ўтиши кераклигини айтиб, Қирғизистон томонига қараб ҳаракатланганини, шунда Отабек унга “ўзбек-қирғиз” чегараси бўйлаб қазилган “РОФ” бўйида чегарани кўриқловчи аскарлар борлигини, ҳозир ўтса қўлга тушиб қолиши мумкинлигини айтганини, шундан сўнг у телефонда кимдир билан гаплашганлигини, Отабек унга шу ерда кутиб туришини, “РОФ” бўйидан аскарлар кетганидан сўнг у ерга боришини айтиб, у билан суҳбатлашиб турганини, орадан бироз вақт ўтиб, уч нафар ҳарбийлар у ерга келиб, ундан кимлигини, бу худудга нима мақсадда келганини сўраганини, уларга ўзини таништириб, Қирғизистон Республикаси, Чекобод қишлоғида яшовчи қариндошининг тўйига бориш учун “Широғонбулоқ” чегара худудидан адирликлардан ўтиб, Қирғизистон Республикаси худудига ўтиш мақсадида бу ерга келганлигини айтганини, шундан сўнг ҳарбийлар мазкур ҳолат юзасидан ундан тушунтириш олиб, тегишли баённома расмийлаштиришганини, Қирғизистон Республикаси худудига ўтишдан мақсади фақат қариндошиникига тўйга бориш бўлгани, бошқа мақсадни кўзламаганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, енгиллик берилишини сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ О.Маматисаков суд мажлисида, у Марҳамат туманининг Қирғизистон Республикаси, Ош вилояти, Аравон тумани, Чекобод қишлоғи билан чегарадош ҳисобланган “Широғонбулоқ” чегара худудида деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келишини, у ушбу худудда ДХХ 6253-ҳарбий қисм “2-Марҳамат” чегара пости томонидан берилган махсус рухсатнома орқали ушбу худудда фаолият юритишини, чегара пости бошлиғи К.Бабажанов унга ўзининг уяли телефон рақамини бериб,

ушбу ҳудудда фуқаролар томонидан “Ўзбек-қирғиз” давлат чегараси бузилиши ҳолати юзасидан унга хабар беришини тайинлаганлигини, 2018 йил 2 сентябрь куни Марҳамат тумани, “Широғонбулоқ” чегара ҳудудининг сой бўйида кўйларини боқиб юрган вақтида, соат 18:00 ларда унга нотаниш бўлган, кейинчалик маълум бўлган Х.Маматалиев сой бўйига келиб қолгани, ушбу сойдан ўтиб, юқорига ҳаракатланганида Қирғизистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикасини ажратиб турувчи “РОФ”, яъни махсус қазилган хандак бўлиб, ундан ўтганидан сўнг Қирғизистон Республикаси ҳудуди ҳисобланиши, шу сабабли у Х.Маматалиев дан бу атрофда нима қилиб юрганини сўраганида, Х.Маматалиев унга Қирғизистон Республикасининг Чекобод қишлоғида яшовчи қариндошининг тўйига кетаётганлигини айтганини, унга чегаранинг ушбу ҳудуддан Қирғизистон Республикаси ҳудудига ўтиш мумкин эмаслигини, “Ўзбек-қирғиз” давлат чегараси бўйлаб “РОФ” қазилганлигини, Қирғизистонга ўтадиган йўл йўқ эканлигини тушунтирганини, лекин унинг тушунтиришига қарамасдан Қирғиз Республикасига ўтишга ҳаракат қилганлигини, шунда унга “РОФ” бўйида чегарани кўриқловчи аскарлар борлигини, ҳозир борса қўлга тушиб қолиши мумкинлигини айтиб, чалғитиб турганлиги ва унга билдирмасдан, ўзининг телефон рақамидан пост бошлиғи К.Бабажановнинг уяли телефон рақамига кўнғироқ қилиб, ушбу ҳолатни маълум қилганлигини, сўнгра у Х.Маматалиев билан гаплашиб, уни чалғитиб турганини, орадан бироз вақт ўтиб, чегара постида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар етиб келиб, Х.Маматалиевга ўзларини таништириб, унинг шахсини ва нима мақсадда бу ҳудудга келганлигини суриштириб, уни чегара пости биносига олиб кетишганини, Х.Маматалиев тўхтатиб қолинганида унинг ёнида ҳеч нарса бўлмаганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Гувоҳ О.Карабаев дастлабки тергов даврида, у 2016 йилнинг 16 ноябрь кунидан буён ДХХ Чегара қўшинларига қарашли 9253-ҳарбий қисм “2-Марҳамат” чегара постида пост бошлиғи ёрдамчиси лавозимида ишлаб келишини, хизмат вазифаларига чегара постадаги моддий воситаларга моддий жавобгарлик билан биргаликда давлат чегараларини ноқонуний бузилишларини олдини олиш, давлат чегарасини кўриқланишида иштирок этиш, чегара ҳудудида содир этилган ноқонуний ҳолатлар юзасидан дарҳол пост бошлиғига маълум қилиш ва тегишли органлар билан ҳамкорликда ушбу ҳолатни бартараф этиш ҳамда бошқалар киришини, 2018 йил 2 сентябрь куни Марҳамат туманидаги “2-Марҳамат” чегара постида хизматни ўтаётган пайтида соат тахминан 18:30 лар атрофида “2-Марҳамат” чегара постига қарашли “Широғонбулоқ” кўриқлов ҳудудида яшовчи, ушбу ҳудудда чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланувчи, тегишли рухсатномага эга бўлган О.Маматисоков ўзининг уяли телефон рақамидан пост бошлиғи К.Бабажановнинг уяли телефон рақамига кўнғироқ қилиб, бир нотаниш шахс “Широғонбулоқ” кўриқлов ҳудудидан айланма йўллар орқали Қирғизистон Республикасига ўтмоқчи эканлигини, у ушбу нотаниш фуқарога бу ҳудуддан Қирғизистон

Республикаси ҳудудига ўтиш мумкин эмаслигини тушунтиришга қарамадан у Қирғизистон ҳудуди томон ҳаракатланишда давом этганини, у ушбу номаълум фуқарони “Ўзбек-қирғиз” давлат чегараси бўйлаб ўтган “РОФ” яқинида тўхтатиб турганини, тезда бу жойга чегара хизмати ходимларини юборишини маълум қилганлигини, К.Бабажонов дарҳол у ва бошқа ҳарбий хизматчилардан иборат хатар гуруҳини юборганини, улар “2-Марҳамат” чегара постига қарашли “Широғонбулоқ” кўриқлов ҳудудига бориб, “Ўзбек-қирғиз” давлат чегара ҳудудини ажратиб турувчи эни 3 метр, чуқурлиги 2 метр бўлган чегара бўйлаб қазилган “РОФ” яқинида Ўзбекистон Республикасидан Қирғизистон Республикаси ҳудудига ўтаётган ҳолатида О.Маматисоқов томонидан тўхтатиб қолинган ушбу номаълум шахсдан кимлигини ва нима мақсадда ушбу ҳудудга келганлигини сўрашганида у ўзини Маматалиев Хожакбар деб таништириб, Марҳамат тумани, “Кўтарма” МФЙ, Баҳор кўчаси, 123-уйда яшашини, Қирғизистон Республикаси Ош вилояти, Аравон тумани, Чекобод қишлоғида яшовчи қариндошининг тўйига бориш ниятида бу ерга келганлигини, лекин О.Маматисоқов унга бу ҳудуд “Ўзбек-қирғиз” давлат чегара ҳудуди эканлигини, бу ердан Қирғизистон Республикасига ўтиш мумкин эмаслигини айтиб, уни тўхтатиб қолганлигини билдирганлигини, сўнг пост бошлиғининг топшириғи асосида ҳолат юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириш учун уни чегара пости биносига олиб боришганини, Х.Маматалиев тўхтатиб қолинган пайтда унинг ёнида товар моддий бойликлар йўқ бўлгани, шунингдек унинг бошқа шериги ҳам бўлмагани, чегаранинг ушбу ҳудудида, яъни “2-Марҳамат” чегара постига қарашли “Широғонбулоқ” кўриқлов ҳудудининг “Ўзбек-қирғиз” чегара ҳудудини ажратиб турувчи эни 3 метр, чуқурлиги 2 метр бўлган чегара бўйлаб қазилган “РОФ” мавжуд бўлиб, улар Х.Маматалиевни ушбу “РОФ” яқинидан ушлашганлигини, мазкур “РОФ” ушбу ҳудуднинг чегара ҳудуди эканини аниқлаб туришини, ушбу ҳудудда яшовчи фуқароларга эса бевосита ушбу ҳудуднинг чегара зонаси эканлиги айтиб ўтилганлигини, шунингдек Х.Маматалиев ҳам Марҳамат тумани чегара ҳудудига яқин жойда яшаганлиги сабабли бу ҳудудни “Ўзбек-қирғиз” давлат чегара ҳудуди эканлигини онгли равишда тушуниб, ушбу ҳудуддан ноқонуний равишда айланма йўллар орқали Қирғизистон Республикаси ҳудудига ўтишга уринган пайтда О.Маматисоқов томонидан тўхтатиб қолингани, агар О.Маматисоқов уни тўхтатиб, улар етиб боргунларига қадар ушлаб турмаганида Х.Маматалиев “РОФ”дан ўтиб, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасидан Қирғизистон Республикаси ҳудудига ўтиб кетиши мумкинлигини билдириб, кўрсатув берган.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи Х.Маматалиевнинг кўрсатуви ва ҳимоячининг фикрини эшитиб, жинойт иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, Х.Маматалиевнинг жинойт содир этганликдаги айби, унинг айбига тўлиқ иқдор бўлиб берган кўрсатуви, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ҳужжатни текшириш ҳақида далолатнома,

хужжатни олиш ҳақида баённома ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи Х.Маматалиевнинг жиноий харакати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25 ва 223-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, чунки Х.Маматалиев белгиланган тартибни бузиб, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасидан Қирғизистон Республикасига ўтишга суиқасд қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 9-сонли қарори 3-бандида Жиноят кодекси 223-моддасининг биринчи қисми диспозициясига кўра, мазкур жиноят қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш ёки қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтишда ифодаланган бир ёки бир неча ҳаракатлар кўринишида содир этилиши мумкинлиги, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш деганда, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг белгиланган ўтказиш пунктлари орқали (қонуннинг 12-моддаси), бироқ белгиланган ҳужжатларсиз ёки Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари томонидан берилмаган тегишли рухсатномасиз кесиб ўтилиши тушунилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинлашини, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги, 37-бандида ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, Х.Маматалиевга жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлари деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, жиноятнинг хусусиятини ҳамда жиноят қилиш шароити ва сабабини, унинг ёшлигини, оилавий шароитини, моддий аҳволини, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келишини содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, тегишли модда санкциясида назарда тутилмаган

енгилроқ жазо ҳисобланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, судланувчи тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан тайинланган жазони шартли деб топиб, синов муддати белгилашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Маматалиев Хожакбар Махамадёқуб ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25 ва 223-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Маматалиев Хожакбар Махамадёқуб ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25 ва 223-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан тайинланган жазо шартли деб топилиб, судланувчи Маматалиев Хожакбар Махамадёқуб ўғлига нисбатан 1 (бир) йил синов муддати белгилансин.

Синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ш.Мамалатиповнинг хулқи устидан назорат олиб бориш худудий ички ишлар органларига юклатилсин.

Синов муддати давомида судланувчи Х.Мамалатиповга яшаш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда жазони ижро этиш органи бошлиғига хабар қилиш, ойда бир маротаба ички ишлар органларида рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятлари юклатилсин.

Маматалиев Хожакбар Махамадёқуб ўғлига нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан, шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.Кенжабаев

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Туман судининг судьяси

А.Кенжабаев

Х У С У С И Й А Ж Р И М

2018 йил декабрь ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Андижон туман суди ўз биносига, очиқ суд мажлисида, туман судининг судьяси А.Кенжабаев раислигида, судья ёрдамчиси Л.Юнисованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон туман прокурори ёрдамчиси А.Ўктамов, судланувчи Х.Маматалиев ва унинг ҳимоячиси “Андижон” адвокатлар ҳайъати адвокати Ж.Махмудовнинг иштирокида Маматалиев Хожакбар Махаммадқуб ўғлига нисбатан 1-1702-1803/203-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Маматалиев Хожакбар Махаммадқуб ўғли (Mamataliyev Hojakbar Maxammadoqub o'g'li), 1995 йил 24 февралда Марҳамат туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган, ишсиз, муқаддам судланмаган, Марҳамат тумани, “Кўтарма” МФЙ, Баҳор кўчаси, 123-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2018 йил 3 декабрда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25 ва 223-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Х.Маматалиев 2018 йил 2 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 8-сонли Қарорининг 1-иловаси ҳамда 2000 йил 2 июндаги “Қирғизистон Республикаси ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кейтишлари тўғрисида”ги Битимнинг 15-моддаси талабларини қасддан бузиб, Қирғизистон Республикаси, Ош вилояти, Аравон тумани, Чекобод кишлоғида яшовчи қариндошиникига тўйга бориш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Марҳамат тумани бўйлаб ўтган “ўзбек-қирғиз” давлат чегарасининг “2-Марҳамат” чегара постига қарашли “Широғонбулоқ” кўриқлов худуди бўйлаб қазилган махсус хандак орқали Қирғизистон Республикаси худудига қонунга хилоф равишда ўтаётган вақтда ушбу худудда деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи фуқаро

О.Маматисаковнинг хабарига кўра ДХХ ЧҚга қарашли 9253-ҳарбий қисм “2-Марҳамат” чегара пости ҳарбий хизматчилари томонидан тўхтатиб қолиниши натижасида ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноий ҳаракатини охирига етказа олмасдан, қонунга хилоф равишда чет элга чиқишга суиқасд қилган.

Суд томонидан Х.Маматалиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 25 ва 223-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан 1 йил синов муддати белгиланган.

Суд, мазкур жиноят ишини суд мажлисида кўриш давомида Марҳамат тумани, “Кўтарма” МФЙ раиси ва фаоллари томонидан ҳудудга бириктирилган ИИБ профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда белгиланган тартибни бузиб, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш жиноятлари ҳақида аниқ мисоллар билан профилактик суҳбатлар ўтказилмагани, бу каби жиноятларни олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирлар белгиланмаганлиги натижасида мазкур жиноят содир этилишига сабабчи бўлган.

Суд, юқорида қайд этилган хато ва камчиликларни келгусида олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида ушбу хусусий ажрим нусхасини Марҳамат тумани, “Кўтарма” МФЙ раиси эътиборига етказиб, ажримда кўрсатилган ҳолатларни аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаш учун юборишни лозим топади.

Бинобарин суд, юқоридагиларга кўра Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 298, 299, 423-моддаларини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ушбу хусусий ажрим нусхаси Марҳамат тумани, “Кўтарма” МФЙ раиси эътиборига хавола қилиниб, ажримда кўрсатилган ҳолатларни ва хато-камчиликларни олдини олиш чораларини кўришга қаратилсин.

Хусусий ажрим муҳокамасига маҳалла фуқаролари, ёшлар, жиноят содир этишга мойиллиги бор шахслар, ёшлар иттифоқи, ҳудуд профилактика инспектори жалб қилиниб, натижаси ҳақида жиноят ишлари бўйича Андижон туман судига бир ойлик муддатга маълум қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн кун муддат ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судига хусусий тартибда шикоят, прокурор эса хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

(и м з о)

А.Кенжабаев

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”

Туман судининг судьяси

А.Кенжабаев